

**“ГЕОГРАФИЯ” ВА “БИОЛОГИЯ” ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА
ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ — ЎҚУВЧИЛАР ИЛМИЙ ДУНЁ¹
ҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ.**

Иногамова Дилфузা Рахматуллаевна.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети.

*“Махсус педагогиканинг клиник асослари” кафедраси профессори в/б.,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D).*

E-mail: inogamova.dilya@gmail.com

Абдалова Зулхумор Таировна.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети.

“География” кафедраси доценти, география фанлари номзоди(Ph.D).

E-mail: zabdalova@yandex.ru

Аннотация: Мақолада, жонсиз ва тирик табиат тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш контекстида, умумтаълим муассасаларида биология ва география фанини интеграциялашган ҳолда ўқитиш ўқувчиларнинг илмий дунё қарашини шаклланишида яхши натижа бериши ҳақида фикр юритилади. Интеграциялашган таълим асосида биология ва география фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдириши тушунтирилади.

Калим сўзлар: *фан таълими сифатини ошириши; биология ва география фанларида интеграция; илмий дунёқараши, фанлараро боғлиқлик, моддийлик гояси.*

**РОЛЬ МЕЖПРЕДМЕТНОГО ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБУЧЕНИЯ «ГЕОГРАФИИ» И «БИОЛОГИИ» – В ФОРМИРОВАНИИ
НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ УЧАЩИХСЯ.**

Иногамова Дилфузা Рахматуллаевна.

*Тошкентский государственный педагогический университет имени
Низамий.*

*И.о. профессора кафедры “Клинические основы специальной
педагогики”,*

доктор философии в области педагогики (Ph.D).

E-mail: inogamova.dilya@gmail.com

Тошкентский государственный педагогический университет имени Низамий.

Доцент кафедры “Географии” кандидат географических наук (Ph.D).

E-mail: zabdalova@yandex.ru

Аннотация: В данной статье в контексте формирования целостного видения неживой и живой природы ведется речь, о том что интегрированное обучение биологии и географии в общеобразовательных учреждениях дает хороший результат в формировании научного мировоззрения учащихся. На основе интегрированного обучения объясняется, что предметы биология и география взаимосвязаны и дополняют друг-друга.

Ключевые слова: *повышение качества научного образования; интеграция биологии и географии; научное мировоззрение, междисциплинарность, идея материальности.*

THE ROLE OF INTER-SUBJECT INTEGRATED TEACHING OF “GEOGRAPHY” AND “BIOLOGY” IN THE FORMATION OF STUDENTS’ SCIENTIFIC WORLDVIEW.

Inogamova Dilfuza Rahmatullaevna.

Tashkent State Pedagogical University named after Nizamiy.

Acting Professor of the Department of Clinical Foundations of Special Pedagogy.

Doctor of Philosophy in Pedagogy (Ph.D).

E-mail: inogamova.dilya@gmail.com

Abdalova Zulhumor Tairovna.

Tashkent State Pedagogical University named after Nizamiy.

Associate Professor of the Department "Geography" Candidate of Geographical Sciences (Ph.D). E-mail: zabdalova@yandex.ru

Abstract: In the article, in the context of the formation of a holistic vision of inanimate and wildlife, it is discussed that the integrated teaching of biology and geography in general educational institutions gives a good result in the formation of the scientific worldview of students. Based on integrated learning, it is explained that the subjects of biology and geography are interrelated and complement each other.

Key words: improving the quality of scientific education; integration in biology and geography; scientific outlook, interdisciplinarity, the idea of materiality.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бутун жаҳон таълим тизимиға интеграцияланишга қаратилган янги таълим тизими шакллантирилмоқда. Бозор иқтисодиётига мослашган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги замон талабидир.

“География” ва “Биология” фанларини ўқитишида фанлараро интеграцияни қўллаш, ўқитиш самарадорлигини оширувчи омил бўлиш билан бирга, унинг сифатини яхшилашга ҳамда ўқувчиларнинг илмий дунё қарашларини шаклланишида яхши натижаларга эришишга имконият яратади. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, умумтаълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш эса — педагогик жараённинг асосий мақсадларидан биридир. Шубҳасиз дунёқараш, шахснинг жамиятдаги хулқатвори ва фаолиятини белгилаб беради. Фан ва техниканинг жадал тараққиёти ўқувчиларда табиий йўналишларда маълум илмий тушунчаларга эга бўлишларини таъқозо қиласди.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда фанлараро боғлиқликнинг изчиллик тамойилига амал қилиш лозим. Фанлараро боғлиқлик ўқувчиларда маълум ҳодисани турли нуқтаи назарда кўриб, воқеа тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Илмий дунёқарашни шакллантиришда хусусан ўрганилаётган воқеа ёки ҳодисанинг барча хусусиятлари ва алоқаларини тўлақонлигича қамраб олиш имконини берадиган фанлараро боғлиқликнинг аҳамияти катта. Масалан, фанлараро боғлиқлик асосида ўқувчиларда тирик ва ўлик табиат, жамият ва табиатнинг бирлиги тўғрисидаги методологик гоялар шаклланади.

Умумтаълим муассасаларида ўқитиладиган география ва биология фанларининг мазмуни ҳаётий тушунчаларга бой бўлиб, илмий дунёқарашни шакллантириш учун катта имкониятларга эгадир. Чунки бу фанлар табиий обьектлар ва ҳодисаларнинг диалектик бирлиги ва умумий ўзаро боғлиқлиги, бир - бирига таъсири билан ажralиб туради.

Олимлардан А.Я.Герд, И.Д.Зверев, Н.М.Верзилин, В.М.Корсунский, Т.Н.Герасимов, М.К.Ковалевский, П.М.Панчешниковлар мактаб фанлари учун илмий дунёқараш гояларини атрофлича ўрганиб чиқсанлар. География ва биология фанларини ўрганиш табиатнинг моддийлиги, унинг обьектив реал характери ҳақида тушунча беради.

Табиий фанларни ўқитишнинг илмий методологиясининг асосчиларидан бири А.Я.Герд, ўқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантиришда биология фанининг ҳаётий ўрни ва аҳамияти ҳақида таъкидлаб ўтган. Унинг илмий қарашларини А.Н.Бекетов, К.А.Тимирязев, К.Ф.Рулье, А.П.Богданов, К.Бэр каби олимлар қўллаб-қувватлаганлар ва тўлдирғанлар.

Ўқувчиларнинг дунёқараашини тарбиялашда педагогика фанлари доктори, профессор Б.Е.Райков “тадқиқот усули”ни қўллашни, профессор В.В.Половцев эса “лаборатория усули”ни қўллашни таклиф қилганлар.

Табиий фанларни ўқитиш орқали ернинг қадимдан ҳозирги давригача бўлган ўзгаришлари, оламни аста-секинлик билан оддийдан мураккабга томон ўзгариб бориши, унинг хилма-хиллигини ошиб боришини, бўлаётган жараёнларни илмий тушуниш учун дунёқарааш ғояларини очиб беришга имконният яратади. Биология ва география фанларини ўрганишда ўқувчилар предмет ва ҳодисаларнинг белгиларини, тузилиши, вазифалари, ривожланиши, ўзаро таъсир динамикасини ўрганадилар, уларда диалектика қонуниятлари намоён бўлади, дунёқарааш ғоялари шаклланади.

Моддийлик ғояси табиий география йўналишида фазо-вақт ўзгаришларининг бирлиги орқали ўз ифодасини топади — географик қобиқнинг барча объектлари, ҳодисалари, жараёнлари моддий ва ягоналиги, географик ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлиги. Мактаб биологиясида моддийликни тушуниш ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигини, яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, хужайрани тирик организмларнинг структуравий-функционал бирлиги, моддалар алмашинуви, ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганиш билан боғлиқ. Моддийлик дунёning бирлигини ва кейинги дунёқарааш ғоясини — яхлитлик ғоясини акс эттиради.

Ер мураккаб ички ва ташқи тузилишга эга бўлиб, ер пўстининг шаклланишида атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосфера қобиқлари ўртасидаги физиковий, химиявий ва биологик жараёнлар мухим роль ўйнайди. Ернинг қаттиқ қобиғи материя ва энергия алмашувида мухим роль ўйнайди. Географик қобиқ ичида барча компонентлар бир-биридан ажralган ҳолда мавжуд эмас, балки ягона мураккаб тизими, масалан, Ернинг табиий комплексларини (географик камарларини, табиий зоналарини) ташкил қиласади.

Биология фанларида организм ва ҳаётнинг яхлитлигини, ўзаро боғланган орган тизимлари ва уларнинг функцияларининг ягона тизими, ўсимлик ва ҳайвон организмлари мисолида кўриб чиқиш мумкин. Айнан шу ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқлик эса тараққиётга янада туртки беради.

Бутунлик ғояси ўз ифодасини жонли ва жонсиз табиатнинг табиий таркибий қисмларининг доимий ҳаракати ва ўзгариши, ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлигида ўз аксини топади, улар материя ва энергия айланишида намоён бўлади: сув, ҳаво, биологик бир бутунлик ва бошқалар.

Барча цикллар (даврлар) тўлиқ бирлашмаган ва улар орасидаги бўшлиқлар йўналтирилган ўзгариш векторини ҳосил қиласди — яъни ривожланиши. Ривожланиш қарама-қарши ҳодисалар курашида содир бўладиган жараён, масалан, тирик табиат дунёсида белгиларнинг ўзгарувчанлиги ва ирсийлиги, жонсиз табиатда рельефлар шаклланишида экзоген ва эндоген омилларнинг иштирок этиши қабилар.

Ўқувчиларни географик қобиқнинг шаклланиш тарихи билан таништириш табиат ривожланишининг характеристини очиш ва табиий жараёнларнинг онгли равишда тартибга солиш имконини беради. Биология курсларида тирик организмларни ўрганишда мактаб ўқувчилари органик дунё эволюцияси хақида билимга эга бўладилар, уларга организмларнинг тарихий ривожланишининг сабаблари ва қонуниятлари очиб берилади.

Эволюцион тараққиётда диалектиканинг барча қонуниятлари намоён бўлади: материянинг бирлиги, доимий ҳаракати, табиатни таркибий қисмларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро боғлиқлиги.

Географик жиҳатдан табиий унсурлар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд эмас, балки мураккаб тизимни ҳосил қиласди, масалан ернинг табиий компонентлари (географик зоналар, табиий зоналар).

Биологик организм хаётининг яхлитлилиги ўзаро боғлиқ органик тизимлар ва улар фаолиятининг ягона тизими бўлган ўсимлик ва ҳайвон организмларининг мисолида кўриб чиқиш мумкин. Айнан шу ўзаро таъсир ва муносабатлар ривожланишга янада туртки бериши мумкин.

Шундай қилиб, биосфера ва Ернинг географик қобиги доимий ҳаракатда бўлган, эндоген ва экзоген жараёнлар таъсирида фазо ва вақт ичида ўзгариб турадиган ўз-ўзидан ривожланувчи тизимлардир.

Илмий дунё қарашнинг таркибий қисми ҳам экологик таълимдир. Табиат дунёси — ҳаёт манбаи, билим ва қадрият обьекти бугунги кунда бутунликни, уйғунликни, покликни сақлаш, табиатни оқилона бошқариш ва муҳофаза қилишни талаб қиласди. Атроф-муҳитни, жонли ва жонсиз табиат обьектларини, уларда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларни ўрганиш илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқув тарбия жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш лозим. Дунёқарашни шакллантиришда ўқувчи тафаккури, иродаси, ҳиссиётлари ва фаоллигига таъсир қилиши ҳам муҳим ўрин

эгаллайди. Воқеа, ҳодисаларни ўрганишда ўқувчида маълум тушунча, тасаввурлар пайдо бўлиши лозим. Уларни ҳосил қилиш эса тафаккур жараёнининг фаол фаолиятидир. Тушунча ва тасаввурлар маслакка айланиши, дунёқарашнинг маълум тизимиға айланиши учун улар ўқувчи ҳиссиётлари ва кечинмалари доирасига кира олиши керак. Ижобий эмоционал ҳолат ўқувчиларни илм чўққиларини эгаллашга ундаиди.

Албатта, эътиқод ва ҳиссиётлар билан уйғунлашган кучли ирода инсонни маълум ҳатти ҳаракатларга ундаиди. Булардан ташқари ўқувчига бўлган ишонч унга маъсулиятни юклаш ҳам илмий дунёқарашни шакллантиришда маълум ўринни эгаллайди. Илмий дунёқарашни шакллантиришда ўқитувчининг ўрни — бекиёсдир. Ўқитувчининг билим савиясидан тортиб, муомаласигача ўқувчиларда ишонч уйғота олса, маълум бир натижага эришилади.

География ва биология фанларининг мазмуни қуйидаги муаммоларни ўрганишга қаратилган:

- табиат, табиий, экологик жараёнларнинг моҳияти ва динамикасини билиш;
- табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий хусусиятларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг аҳамиятини тушуниш, ҳаётнинг барча кўринишларида юксак қадриятни тан олиш, экологик онгни шакллантириш;
- аҳолининг тарқалиш (интеграция) қонуниятларини, табиий, ижтимоий-иктисодий, экологик омиллар билан боғлиқ ҳолда иктисолиётнинг ҳудудий ташкил этилишини, мослашув ва инсон саломатлиги муаммоларининг яшашнинг географик шароитларига боғлиқлигини аниқлаш.

Биология дарсларида экологик таълим ва тарбия организмларнинг атроф-муҳит билан алоқаси, экологик тизимларнинг тузилиши ва фаолияти, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг хилма-хиллиги, уларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишга асосланади. География дарсларида атроф-муҳитдаги антропоген ва табиий ўзгаришларнинг географик оқибатларини ўрганувчи геоэкологик йўналиш доирасида олиб борилади.

Биология ва география фанларининг боғловчи бўғини, тирик организмларнинг теварак-атрофдаги, табиатда табиий зоналар бўйича тарқалишини, тирик организмларнинг эндоген, экзоген муҳит омиллари ва антропоген таъсиридаги ҳаётий фаолиятини ўрганади. Экологик тушунчалар асосида табиатнинг асосий қонуниятларини тушунтирувчи умумлашган билимлар бўлган дунёқараш ғоялари ҳам шаклланади.

Географик қобиқдан, шу жумладан биосферадан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги ғоя география ва биология курсларида табиатнинг одамлар учун аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш чораларини қўриб чиқишида намоён бўлади.

Табиатдан фойдаланишга интеграциялашган илмий ёндашув ғояси муҳим экологик муаммоларни ҳал қилишининг фанлараро боғлиқлигига намоён бўлади. Табиатшунослик фанларининг ушбу соҳадаги вазифалари “...табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, инсоннинг иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатларини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш, атроф-муҳит ҳолатига қаратилган“.

Табиатнинг ривожланиш қонуниятларини англаш ғояси қўриб чиқилаётган фанлар мазмунида ҳам ўз ифодасини топган. Таълим жараёнида ўқувчилар атроф-муҳит муаммоларини ўрганиш усуллари билан танишадилар: атроф-муҳит мониторинги (биотестинг, биоиндикация, географик прогнозлаш, экологик ва географик экспертиза), бу ривожланиш қонуниятларини билиш мумкинлиги тўғрисида хulosha чиқариш учун асос бўлади.

Дунёning биологик-географик расмининг таркибий қисмлари сифатида географик ва биологик билимлар тизимини шакллантириш, география ва биологиянинг табиатшунослик фанлари вазифалари сифатида таъкидланган ва биз оғир-оқибатда буларни ягона илмий бирликнинг элементлари деб ҳисоблаймиз. Дунё тасвири, когнитив маданият билан танишиш, ҳаётнинг барча кўринишларида юксак қадриятни тан олиш, атроф-муҳитни билиш, тадқиқот усулларини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг билиш мотивларига асосланган интеллектуал қобилиятларини шакллантиради.

Демак, экологик онгни шакллантиришга қаратилган фанларнинг мазмuni билимларнинг узвийлиги, эгалланган қадриятлар иерархияси, ахлоқий, ақлий, дунёқарааш тарбиясининг устуворлиги билан тавсифланади. Шубҳасиз, фанлараро алоқалар жонли ва жонсиз табиатнинг диалектик алоқаларини, унинг ҳаракати ва ривожланишини акс эттиради, дунёning моддий бирлиги, материянинг ҳаракат шакллари (биологик ва географик) муносабатлари ҳақидаги дунё қарааш ғояларини шакллантиришга ёрдам беради.

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалиқ, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади. Ривожланиш деганда, биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз.

Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса, деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши, ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишининг қонуниятларини, унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим - тарбия ҳамда фаолиятнинг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди, таҳлил қиласи. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошидан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули, деб тушунишимиз лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, фанлараро интеграциядан фойдаланиш биология ва география ўқитувчиларининг энг мураккаб услубий вазифаларидан биридир. Бу бошқа фанлар бўйича дастур ва дарслклар мазмунини билишни талаб қиласи. Ўқитиш амалиётида фанлараро интеграцияни амалга ошириш биология ўқитувчисининг география ўқитувчиси билан ҳамкорликда ишлашларини назарда тутади; яъни очик дарсларга ташриф қилиш, биргаликдаги дарсларни режалаштириш ва ҳ.к. Фанлараро интеграцияни самарали амалга ошириш усулларидан бири – ўқитувчиларнинг узлуксиз ҳамкорлигидир.

Замонавий ўқитувчи таълим жараёнини ташкил қилиш методлари ҳамда воситаларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг психологик, индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир дарс машғулотларини ҳозирги ривожланаётган жамият талабларига мос равища, юқори даражада ташкил қилиш малакасига эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреева Н.Д., Малиновская Н.В., Соломин В.В. «Методика обучения биологии». История становления и развития: учеб. пособие для академического бакалавриата / под ред. Андреевой Н.Д. — 2-е изд., испр. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2017.
2. Зверев И.Д. “Взаимная связь учебных предметов”. - М: Знание, 1977.
3. Рулье К.Ф. «Избранные биологические произведения». / Под ред., с коммент. и послесл. Давиташвили Л.Ш., Микулинского С.Р.. — М. : Изд-во АН СССР, 1954. — 688 с.
4. Арбузова Е.Н. Половцов В.В. — автор первого российского учебника по методике преподавания биологии // Вестник Омского гос. пед. ун-та : Электронный научный журнал. — 2007.

5. «Учебно-методическое пособие для студентов географического факультета педагогических специальностей». — Брест: БрГУ, 2012. — 420 с.
6. «Учебное пособие для студентов педагогических специальностей и учителей географии». — Минск: Аверсэв, 2006. — 157 с.
7. Низомова Ш.И. “География фанини ўқитишида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш имкониятлари”. // Современное образование (Узбекистан). 2018. № 3.
8. Муслимов Н., Усмонбоева М., Мирсолиева М. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ўқув услубий мажмуа. - ТДПУ хузуридаги ПКҚТ ва МО маркази, 2016 йил 6 апрель. 14-28 бетлар.
9. Жаркова Т.Г. и другие «Некоторые аспекты межпредметной интеграции в зарубежном школьном образовании». Научно теоритический журнал Российской академии образования. «Педагогика», 2019 № 12 стр.102.
10. Гурьев А.И. «Статус межпредметных связей в системе современного образования». / Наука и школа 2002 № 2.
11. Елагина В.С. «Профессиограмма деятельности учителей естественнонаучных дисциплин по реализации межпредметных связей в обучении школьников». / Наука и школа 2002 № 2.
12. Манаенкова О.А. «Моделирование и проведение учебных занятий на основе интегративного подхода». / Наука и школа 2002 № 4.
13. Баротов М.У., Иногамова Д.Р., “Фанлараро интеграция тушунчаси ва таълим жараёнидаги ўрни”. «Eurasian Journal of Mathematical Theory and Computer Sciences» (ISSN: 2181-2861), 2022 йил 12 ноябрь 12-сон.
14. Inogamova D.R. "Methodological bases of teaching medical genetics". Monograph. - T .: "Nodirabegim" publishing house. 2022.
15. Dilfuza Inogamova, Sanobar Safarova. «Forms of organizing learning activities medical college students in classes medical genetics». International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE), ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022.